

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, вилоятда 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 15 211,9 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,9 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимишинг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқарииши фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқарииши усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соғ солиқлар тигиндиси орқали ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 104,4 фоиз, (ЯҲМ таркибидағи улуши 56,8 фоиз), саноат – 105,8 фоиз (10,9 фоиз), курилиш – 123,9 фоиз (6,6 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,0 фоиз (6,3 фоиз), ташиб ва саклаш, ахборот ва алоқа – 104,6 фоиз (3,8 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 105,7 фоиз (15,6 фоиз) ни ташкил қилди.

ЯҲМ дефлятори индекси 2018 йилнинг январь-декабрдаги нархларга нисбатан 119,0 фоизни ташкил этди.

(фоизда)



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 11 126,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 % га юқоридир.

**2019 йилнинг январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича
ЯҲМнинг ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланган таркиби**

	<i>Мпрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-декабрига нисбатан % да</i>	<i>ЯҲМ ўсишидаги ҳиссаси, %</i>
--	------------------	--	---------------------------------

ЯҲМ - жами	15 211,9	105,9	5,9
-------------------	-----------------	--------------	------------

шу жумладан:

Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14 523,1	105,8	5,7
--	-----------------	--------------	------------

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	8 253,6	104,4	2,5
---------------------------------	---------	-------	-----

саноат	1 588,9	105,8	0,6
--------	---------	-------	-----

курилиш	956,0	123,9	1,4
---------	-------	-------	-----

савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	910,4	103,0	0,2
--	-------	-------	-----

ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	547,8	104,6	0,2
-----------------------------------	-------	-------	-----

бошқа хизмат тармоқлари	2 266,3	105,7	0,8
-------------------------	---------	-------	-----

Махсулотларга соғ солиқлар	688,8	108,2	0,2
-----------------------------------	--------------	--------------	------------

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми ЯҲМ умумий ҳажмининг 95,5 % ини ташкил этди ва 5,8 % га ўсиш (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 5,7 фоиз пунктни ташкил этди). Махсулотларга соғ солиқларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 4,5 % ни ташкил этди ва 8,2 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,2 ф.п.).

**2019 йил январь-декабрь учун ЯҲМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари фоизда**





ЯҲМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсир кўрсатди (1,2 ф.п.) ва бу соҳа ўтган йилнинг январь-декабрига нисбатан 4,8 % га ўсди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 0,2 % га, ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа – 0,2 % га ва бошқа хизматлар – 0,8 % га ўсди.

2019 йилнинг январь-декабрь якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига ҳам 4,4 % даражасида ижобий ўсиш суръати кузатилди. Мазкур тармоқдаги ўсиш суръати ҳисобидан ЯҲМ нинг 2,5 ф.п. ўсиши таъминланди.

Курилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 23,9 % ни ташкил этди. ЯҲМ нинг мутлоқ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 1,4 ф.п. даражасида баҳоланди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь-декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



- Махсулотларга соғ солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган холда)
- Хизматлар
- Тармоқларниң ялпи қўшилган қиймати

2019 йилнинг январь–декабрда ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 25,7 фоизни ташкил қилди, бу эса 2018 йилнинг январь – декабрига нисбатан 0,5 пунктга кўпdir (25,2 фоиз). Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,4 пунктга ҳамда ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари эса 0,4 пунктга камайган лекин хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 1,3 пунктга ўси.


Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларниң ЯҲМ тармоқлари таркибидаги улуши 2019 йил январь–декабрда – 6,3 % ни (2018 йил январь – декабрда – 6,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 3,8 % ни (2018 йил январь – декабрда – 4,2 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 15,6 % ни (2018 йил январь – декабрда – 14,3 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2018 йил январь-декабрь



2019 йил январь-декабрь



■ Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар

■ Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа

■ Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар